“МИЛЛИЙ КОНТИНГЕНТЛАР” — ОММАВИЙ ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

Р.Шамсутдинов, Э.Юсупов

В статье рассматривается «национальный» аспект проблемы Большого террора 1937-1938 гг. в Узбекистане и его трагических последствий на основе документов и материалов архива Республики Узбекистан.

In the article is discussed “the national” aspects of problems of the Big terror of the 1937-1938 years in Uzbekistan and its tragedic events according to the documents and historical materials of the Republic of Uzbekistan.

XX асрнинг 30-йилларида Европада уруш хавфи кучайган, Германия, Япония, Италия ва Польша СССРга қарши урушга тайёргарлик кўраётганлиги сир эмас эди. Сталин бу ҳақда ВКП(б) МК 1937 йил феврал-март пленуми ва 1937 йил кенгайтирилган Ҳарбий Кенгаш мажлисида батафсил тўхталган ва хорижий разведка хизмати агентлари ҳамда “бешинчи саф”га* қарши барча имкониятларни ишга солиб зарбалар уюштириш, олдиндан аёвсиз тадбирлар кўришни қаттиқ туриб талаб қилган эди. Ўз навбатида, партия ва давлат аппаратидаги репрессияларни кенг миқёсда жамиятни ялпи тозалаш билан бир пайтда амалга ошириш кўзда тутилган. “Бешинчи саф”ни ижтимоий негизидан маҳрум қилиш заруриятидан келиб чиққан тадбирлар муҳим аҳамият касб этди.

Сиёсий бюро ва партия оммавий қатағонларни бевосита НКВД органларига таянган ҳолда ўтказди, зеро бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Жиноят қонунлари тизими террорнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди. Давлат-партия иродаси ва манфаатлари билан уйғунлашиб кетган совет қонунчилиги мухолиф кучларга давлат билан олишишга ҳеч бир имкон қолдирмади. Сиёсий бюронинг 2 июлдаги “Советларга қарши унсурлар тўғрисида”ги қарори “катта террор” даврининг кенг кўламли қатағон операциясини ўтказиш учун ўзига хос старт бўлди.

1937 йил июнь пленуми партия марказий аппарати, айниқса миллий компартиялар раҳбар органларининг узил-кесил заифлашувида муҳим босқич вазифасини ўтади. 1937 йил июнида НКВД томонидан Файзулла Хўжаевнинг қамоққа олиниши Ўзбекистон сиёсий элитасига қарши бошланган ялпи қатағондан дарак эди. Ўзбекистонда компартиянинг барча раҳбар ходимлари “халқ душманлари” сифатида фош қилинди ва жиноий жавобгарликка тортилди. Округ, шаҳар ва район комитетларининг котиблари, халқ комиссарлари совет тузумини ағдариб ташлашга қаратилган аксилинқилобий миллатчилик ҳаракатини олиб бориш, Ўзбекистонни Иттифоқдан ажратиб, Англия, Германия ва бошқа давлатлар мустамлакасига айлантириш, республика иқтисодиётини издан чиқариш мақсадида террорчилик ҳаракатларини содир этишлик каби НКВД идораларида тўқиб чиқарилган ёлғон айбловлар билан қамоққа олиниб, қатлиом қилиндилар 1937 йил июлидан СССР ички ишлар халқ комиссари Н.Ежов имзоси билан “Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет унсурларини қатағон қилиш бўйича операция тўғрисида”ги 00 447 – сонли мутлақо махфий оператив буйруқ асосида собиқ қулоқлар билан бир қаторда сиёсий фаолияти барҳам топган партияларнинг аъзолари (эсерлар, дашноқлар, муссавотчилар, иттиҳодчилар), дин уламолари, сектантлар, фуқаролар уруши ва қизил армияга қарши қуролли қаршилик ҳаракати қатнашчилари, жумладан, собиқ “босмачилар”, турли хил жиноятчилар ва рецидивист-ўғрилар каби “халқ душманлари” оммавий қатағон қурбонлари бўлдилар.

Кўрсатилган муддатда, яъни 1937 йил 10 августдан Ўзбекистонда “тройка”нинг йиғилишлари бошланган. Буйруқ билан “тройка” (“учлик”)лар таркиби ҳам тасдиқланган. Ўзбекистонда “тройка” дастлаб 1937 йил ёзида Н.А.Загвоздин (Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссари), А.Икромов (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1-котиби), Ж.Тўрабеков (Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари) каби масъул шахслардан иборат қилиб тасдиқланган. Унинг йиғилишларида Ўзбекистон ССР прокурори Шейндлин, котиб сифатида эса Ўзбекистон ССР НКВД Давлат хавсизлик бошқармаси 8-бўлим

---

* Испания фуқаролар урушида (1936-1939 йй.) фашистларнинг мамлакат ичкарисида махфий маълумотлар тўплаш ва қўпорувчилик ишлари билан шуғулланган разведка хизмати, генарал Франко Мадридга (1939 йил 26 март) тўрт саф қўшин билан ҳужум қилган; Иккинчи жаҳон урушида турли мамлакатларда фаолият кўрсатган фашистлар агентуралари

бошлиғи, лейтенант Яковлев иштирок этган. 1937 йил 13 ноябрдан “тройка” Н.Загвоздин (раис), У. Юсупов, С. Сегизбоевлардан иборат тузилган.

1937 йилнинг 10 августидан 1938 йил 1 январгача Ўзбекистон бўйича жами 10 700 киши қамоққа олинган. Шундан 5924 киши собиқ “қулоқлар”, 1679 киши жиноятчилар, 3097 киши “советларга қарши унсурлар” сифатида қатағон қилинган. Улардан 3613 киши 1-тоифа бўйича отувга, 7087 киши 2-тоифа бўйича 8-10 йил муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Отувга ҳукм қилинганларнинг 1376 нафари собиқ қулоқлар, 952 нафари жиноятчилар ва 1285 нафари бошқа аксилинқилобий унсурлар бўлган. 8-10 йилга ҳукм қилинганларнинг 4548 нафари собиқ қулоқлар, 727 нафари жиноятчилар, 1812 нафари бошқа аксилинқилобий унсурлар бўлган [1]. Қатағон қурбонларидан, яъни 10 700 кишидан биз 8 338 нафарини номма-ном аниқладик ва улар ҳақидаги асосий маълумотларни эълон қилдик. Улардан 2358 нафари отилгани, 5903 нафари 10-8 йил қамоқ жазосига тортилгани, 77 нафари озод этилгани маълум бўлди [3,4,5].

Шубҳасиз, собиқ қулоқлар операциясидан ибтидо олган катта террор Сталин ва унинг штаби томонидан пухта ўйланиб ишлаб чиқилган. 1937 йил июлидан “лимитлари” кўрсатилган ҳолда “миллий контингентлар” бўйича ҳам “оммавий операциялар”(расмий ҳужжатларда шундай номланган) ўтказиш бошлаб юборилган. “Миллий операциялар”нинг (НКВД буйруқларида шундай атама қўлланган) қулоқларга қарши операция билан бир вақтда режалаштирилга бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шундай қилиб, июль охиридан НКВД да “миллий контингентлар”га қарши қатағонларга тайёргарлик кўрила бошлаган.

СССР билан чегарадош “буржуа-фашистик давлатлар”га мансуб немислар, финнлар, эстонлар, латишлар, поляклар, эронийлар, афғонлар ва уйғурлар каби миллат вакиллари мазкур репрессияларнинг бош қурбонлари бўлдилар. Собиқ қулоқларга қарши операциядан беш кун кейин Сиёсий бюро Н.Ежовга мудофаа саноатида ишлаётган (ва олдин ишлаган) барча немис миллатига мансуб шахсларни қамоққа олишга кўрсатма берган. Совет фуқаролигини қабул қилган ҳар бир сиёсий эмигрантга тафсилли меморандум тайёрланган. “Собиқ қулоқлар” каби кенг шарҳланган буйруқда Волга бўйидаги мухтор немис республикасидан истисно собиқ немис ҳарбий асирлари, сиёсий эмигрантлар, дезертир-қочоқлар, мудофаа саноатида ишлаётган Германиянинг собиқ фуқаролари, биринчи жаҳон урушида немислар асирлигида бўлган руслар, немис фирмаларида ишлаган собиқ ходимларнинг репрессия қилиниши кўзда тутилган эди.

Миллий белги бўйича навбатдаги қатағон акти харбинликларга қарши қаратилди*. 1937 йил 20 сентябридан Сиёсий бюро томонидан маъқулланган 00553-сонли “Харбиндан қайтиб келганларга қарши операция ўтказиш тўғрисида”ги НКВД буйруғи кучга киради. Харбинликларнинг аксарият қисмини қурилишда қатнашган, темир йўллари сотиб юборилгандан сўнг СССРга қайтиб келганлар ташкил этган. Буйруққа асосан, ушбу категориядагиларнинг кўпчилиги махфий маълумотлар тўплаш ва қўпорувчилик ишларини олиб бориш учун юборилган “япон разведкаси агентлари” тоифасига киритилди, қатағон тиғидан ўтказилди. Худди шундай буйруқлар асосида 1937 йил августидан поляк “қўпорувчи ва жосус гуруҳлари”, кейин эса корейслар, латишлар, эстонлар, эронийлар, афғонлар қатағон қилиндилар. СССРдан сиёсий бошпана сўраб келган эмигрантлар ҳам зудлик билан қамоққа олина бошланди. Давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чегара чизиқларини “тозалаш”га алоҳида эътибор қаратилди. 1937 йили Узоқ Шарқ районларидан 172 минг корейслар Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳудудларига депортация қилинади.

ВКП(б) Марказий Комитетининг 1938 йил 31 январдаги қарори билан ўша аввалги тройкаларнинг фаолият муддати узайтирилди. Барча тройкаларнинг ишни 1938 йил 15 февралгача тугаллашлари белгилаб қўйилди. Шу боис Ўзбекистон ССРда фаолиятда бўлган тройка ҳам ўз ишини давом эттирди. Бу вақтда унинг таркиби ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари Д.З.Апресян (раис), Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Усмон Юсупов, ЎзССР прокурори Шейндлин (аъзолари), Давлат хавфсизлик Комитети лейтенанти, 8-бўлим бошлиғи Бароненко(котиб)лардан иборат эди.

---

* Харбин- Хитой Шимоли-Шарқидаги шаҳар, Россия томонидан 1897-1903 йилларда Хитой Шарқий темир йўллари (КВЖД) қурилишида барпо этилган. Рус-япон урушидан кейин КВЖДнинг Жанубий йўналиши Япония ихтиёрига ўтган. 1924 йилдан бошлаб СССР ва Хитой умумий бошқарувида. 1935 йили СССР томонидан Манжурия хукуматига сотиб юборилган.

Шу таркибдаги тройка 1938 йил 4 февралда 2 та, 7 февралда 2 та, 9 февралда 2 та, 10 февралда 3 та, 13 февралда 3 та, 14 февралда 1 та, 16 февралда 5 та, 17 февралда 3 та, жами 21 та йиғилиш ўтказди. Бу йиғилишларда 2 491 маҳбус устидан ҳукм чиқарилиб, улардан 2 086 нафари отувга, 398 нафари 10 йил муддатга, 2 нафар маҳбус 8 йил муддатга меҳнат тузатув лагерига қамоққа ҳукм этилди, 4 нафар маҳбус тергов вақтида вафот этган, 1 нафар маҳбус озод қилинган. "Миллий операциялар"нинг иккинчи босқичи 1938 йилнинг сентябрига тўғри келади. ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси 1938 йил 15 сентябрда СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1937 йилдаги 00 485, 00439 ҳамда 1938 йилдаги 302 ва 326-сонли буйруқлари бўйича қамоққа олинган аксилинқилобий миллий контингентлар бўйича кўрилмай қолган тергов ишларини жойлардаги махсус тройкаларга бериш ҳақидаги таклифини маъқуллайди. Махсус тройкаларнинг 1938 йил 1 августгача қамоққа олинганлар ишини кўриб чиқишлари ва бу ишни икки ой муддатда тугаллашлари талаб қилинган. 1938 йил 1 августдан кейин қамоққа олинган миллий контингентга алоқадор шахсларнинг ишларини тегишли суд органларига кўриб чиқиш учун юбориладиган бўлди. Сиёсий бюронинг 1938 йил 17 сентябрдаги қарорини ривожлантириш мақсадида СССР Ички ишлар Халқ комиссарлигининг № 00606-сонли махсус тройкалар иш тартиби тўғрисида буйруғи қабул қилинади ва унда жазо сиёсатини юмшатишга қаратилган тадбирлар илгари сурилади. Бунда, биринчидан, хорижликларни қамоққа олиш билан боғлиқ бўлган турли қийинчиликларни эътиборга олиб, "махсус тройкалар" хорижлик фуқароларга нисбатан қўзғатилган ишларни кўрмаслиги" қайд қилинган. Иккинчидан, "махсус тройкалар" ҳукм чиқарганларида 1937 йил 25 августдаги буйруқ асосида биринчи ва иккинчи категориялар бўйича иш кўрсалар-да, унга қўшимча янгилик тарзида ишни тўлароқ текшириш учун қайтариб юбориш ва айбланувчини, агар жазо берувчида етарли маълумотлар бўлмаса, қамоқдан озод қилиш ҳақида қарор чиқариш имконига эга бўлганлар [6; 661-662].

СССР НКВДсининг 1938 йил 17 сентябрдаги № 00606-сонли оператив буйруғига мувофиқ Ўзбекистон ССР бўйича республика Ички ишлар халқ комиссари Д.З.Апресян раислигида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Усмон Юсупов (аъзо), Ўзбекистон ССР прокурори Кухаренко(аъзо)лардан иборат тройка тузилди. Унинг котиби қилиб ЎзССР Ички ишлар комиссарлиги ҳузуридаги инспектор, давлат хавфсизлик лейтенанти Мартиненко тайинланган. Бу тройка бор-йўғи икки кун йиғилиш ўтказган. Унинг баённомаларида 475 маҳбус ишлари кўриб чиқилгани қайд этилган. Улардан олий жазога 98 киши, 10 йил қамоқ жазосига 245 киши, 8 йил қамоқ жазосига 31 киши ҳукм қилинган. 21 нафар маҳбуснинг иши қайтадан кўриб чиқиш учун Ҳарбий трибуналга юборилган, 4 нафар маҳбус озод қилинган.

Қатағон қилинган бу маҳбусларнинг миллий таркиби қуйидагича бўлган: 195 киши эроний, 59 киши уйғур, 43 киши ўзбек, 41 киши немис, 18 киши поляк, 13 киши афғон, 12 киши рус, 11 киши тожик, 10 киши яҳудий, 10 киши венгр, 8 киши форс, 8 киши армани, 6 киши турк, 5 киши латиш, 5 киши корейс, 5 киши дунган, 58 киши қирғиз, 4 киши татар, 3 киши туркман, 3 киши белорус, 2 киши араб, 2 киши ҳинд, 2 киши болгар, 1 киши қорақалпоқ, 1 киши украин, 1 киши грек, 1 киши хитой миллатига мансуб бўлган. Улар 29 миллат вакиллари эди.

Тройканинг 1938 йил 21-22 сентябр йиғилишида оператив вакил Трофимов томонидан ҳавола қилинган 161 нафар маҳбуснинг "жиноий иши" бўйича маълумотлар асосида эроний миллатига мансуб маҳбуслардан Алиев Ҳасан, Ҳасан Зода Ҳабиб, Ҳасанов Ҳусайн, Ходиев Ҳусайн, шаҳрисабзликлардан Мусаев Асқар, Гусейнов Али, Розиев Исмоиллар, бухороликлардан Багиров Али, Тахмезов Содиқ, Абдуқодиров Абдужалил, Мамедов Билол, Маматов Ҳамролар, яккабоғликлардан Худанов Мамед, Зайналов Ғулом, Алиев Ҳасан, Мамедов Ҳожи Зода, ҳинд миллатига мансуб Бобохонов Пандахон Сарвараса, самарқандлик поляк миллатидан Яскульский Казимир, косонлик эроний Ҳусаинов Ҳасан, хоразмлик Ашуров Юсуф, нарпайлик Урижев Файзулла, андижонлик эроний Қулиев Исмоил, армани миллатига мансуб Карамов Артём ва Цатуров Григорийлар (жами 25 нафар) Эрон фойдасига жосуслик ишларини олиб борганликда, ҳарбий қисмлар тўғрисида маълумот тўплаганликда, саноат ва транспортга оид ахборотларни бериб турганликда, Эрон резидентлари билан алоқада бўлганликда, совет-эрон чегарасидан нолегал ўтиб юрганликда, Эроннинг Тошкент, Москва, Ашхободдаги консулликларига ташриф буюрганликда, эронийларни оммавий равишда ўз юртига кўчиб кетишга даъват этганликда айбланиб, олий жазога ҳукм этилганлар, 105 нафар эроний эса 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

1938 йил сентябрда Ўзбекистон ССРдан қатағон қилинганларнинг қарийб 91 фоизи бошқа миллат (9 %и ўзбеклар) вакилларидан иборат бўлган. Катта фоизни ташкил этган чет элликлар, хориждан келиб республикада истиқомат қилаётган ва турли хил хизматларда фаолият кўрсатаётганлар жосусликда, мамлакат ҳарбий имкониятларини ўрганиш билан шуғулланганликда (Эрон жосуси, Англия шпиони, Хитой айғоқчиси, Латвия резиденти, Туркия хуфияси) айбланиб, қамоққа олинганлар. Ҳудудлардаги ҳарбий кучлар, ҳарбий қисмлар ҳақида ахборот йиғиб четга узатган, муҳожирликка ундаб аҳолини, миллий контингентларни Афғонистонга, Эронга, Хитойга ва бошқа жойларга кўчиб ўтишга даъват этган, чет давлатлар консулликлари ходимлари билан узвий алоқада бўлган, деган айбловлар билан қатағон қилинганлар.

Чет элликларнинг 88-90 фоизи турли, айниқса, аҳоли кўп ишлайдиган жойларда — завод, фабрика, артеллар, колхозлар, ҳарбий қисмлар, новвойхоналар, сартарошхоналар, чойхоналар, пахта заводлари, магазин ва дўконларда маълумот тўплаб, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб борганликда айбланганлар. Хорижликларнинг маълум қисми олий маълумотли бўлган, улар олий ўқув юртларида, мактабларда ўқитувчи, хўжалик ишларида ишчи, таржимон ва бошқа вазифаларда ишлаганлар. Уларнинг айримлари чет эл фуқароси сифатидаги сохта паспорт ёки умуман паспортсиз яшаб фаолият кўрсатганлар. Бундай айблар билан айбдор деб топилганларнинг 20 фоизи отувга, 75 фоизи 10, 8, 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган, 21 киши(4% фоиз)нинг иши қайта кўриб чиқиш учун Ҳарбий трибуналга юборилган, 4 киши айбсиз деб топилиб, қамоқдан озод этилган.

Бундан ташқари, миллий операцияларни ўтказиш жараёнида минглаб маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам қатағон этилганлар.

1938 йилдаги катта террорнинг навбатдаги учинчи босқичи ўша йилнинг октябр-ноябр ойларига тўғри келади. Бу даврда қатағон қилинганларнинг ишлари СССР Олий суди Ҳарбий коллегиялари йиғилишларида кўриб чиқилган. 1938 йил 4-5 октябрида Тошкентда бўлиб ўтган СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр йиғилишларида 155 киши отувга, 10 киши 10 йил муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Унгача, 1938 йил 28 мартда Сиёсий бюро аъзолари И.Сталин, В.Н.Молотов, Л.М.Каганович, А.А.Жданов, К.Е.Ворошиловлар имзоси билан СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясида ишини кўриб чиқиш Ўзбекистондан 165 кишининг рўйхати тақдим қилинган. Бу рўйхатдаги ўзбек зиёлилари элитаси бўлган Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмонхон Эшонхўжаев, Раҳим Иноғомов, Комилжон Алимов, Исроил Ортиқов, Агзам Аюпов, Карим Болтаев, Худойберган Девонов, Е.М.Зелькина, Акбар Исломов, Абдулла Каримов, Қаюм Рамазонов, Рамзи Маннон, Зиё Саидов, Саъдулла Турсунхўжаев, Анқабой Худойбахитов, Мирмуслим Шермуҳаммедов, Ғулом Ёқубов, Усмон Носиров, Тожихон Шодиев, Элбек Юнусовлар олий жазога ҳукм этилган ва ўша ҳукм эълон қилинган куннинг ўзидаёқ отиб юборилган. Кўплаб партия, давлат ва жамоат арбоблари, айниқса, зиёлилар, фан ва олий ўқув юртлари ходимларига “халқ душмани”, “миллатчи”, “аксилинқилобчи”, “сотқин”, “жосус”, “буржуа малайи” каби турли ёрлиқлар ёпиштирилган, уларнинг маълум қисми отувга, ўн йил, саккиз йил қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар.

Катта террорнинг якун топиши 1938 йил ноябрь ойига тўғри келади. СССР ХКС ва ВКП(б) МК 1938 йил 15 ноябрда тройкалар, ҳарбий трибуналлар, СССР Олий суди ҳарбий коллегияларига махсус буйруқ тартибида кўриб чиқиш учун юборилган ишларни кўриб чиқишни тўхтатиш тўғрисида директива қабул қилади. Унга мувофиқ, ўша йилнинг 16 ноябридан бошлаб алоҳида, махсус фармойишгача барча ишлар кўриб чиқилмайдиган бўлди. Буни ижро этиш прокурорларга топшрилади[2;305].

СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси В.Молотов ва ВКП(б) Марказий Комитети котиби И.Сталин имзоси билан 1938 йил 17 ноябрдаги “Прокурор назорати ва тергов олиб боришда қамоққа олишлар тўғрисида”ги ҳукумат ва партия қўшма қарорини Ички ишлар, прокурорлар, партия котибларига юбордилар. Қарорда 1937-1938 йилларда НКВД органларининг партия раҳбарлигида халқ душманларини тор-мор қилиш, СССРни троцкийчилар, бухаринчилар, эсерлар, меньшевиклар, буржуа миллатчилари, оқ гвардиячилар, қочоқ қулоқлар ва жиноятчилардан чиққан хоинлар, айниқса, Япония, Германия, Польша, Англия ва Франция разведкаси учун жиддий таянч бўлган кўп сонли жосус, террорчи, диверсантлар ва зараркунанда ходимлардан тозалашда катта иш олиб борганлиги қайд қилинади. Айни пайтда НКВД органларининг СССРга келган поляклар, руминлар, финлар, немислар, латишлар, эстонлар, харбинликлар ва бошқалардан иборат чет эл

жосус-диверсион агентурасига мансуб сиёсий муҳожирларни, мамлакатга ғайрли мақсадларда қочоқлар ниқобида ташланганларни тугатишда самарали иш олиб боргани ҳам таъкидланади.

Совет режими томонидан 1937 йил июлидан бошланган “катта террор” 1938 йилнинг ноябригача давом этди. Бу мудҳиш қатағон бутун собиқ Иттифоқ халқлари тарихига энг фожеали саҳифа бўлиб кирди. Зеро, ўзбек халқи ҳам бу фожеани ҳеч қачон ўз қалби ва хотирасидан чиқармайди.

Адабиётлар:

1. Трагедия советской деревни: коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5-т.Т.5. Кн.1. 1937.- Москва, РОССПЭН, 2004

Трагедия советской деревни: коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5-т.Т.5. Кн.2. 2.1937.- Москва, РОССПЭН, 2004

3. Шамсутдинов Рустамбек. Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август- 5 ноябр).- Т.:Шарқ, 2007.- Б 497;

4. Репрессия 1937-1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 3. 1937 год. Ноябрь.-Т.:Шарқ, 2007.-С.496;

5. Репрессия 1937-1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 4. 1937 год. Декабрь.-Т.: Шарқ, 2008.-С.572.

6. Лубянка. Сталин и главное управление госбезопасности НКВД. 1937-1938 гг.- М.,2004

Андижон давлат университети,
2009 йил 4 майда қабул қилинган